стратегик ислоҳотлар институти КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 5 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 87 (10.644) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида суд, адлия, прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари, жамоат бирлашмалари вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

● Самарқанд Давлат санъат тарихи музейида шу кунларда иқтидорли рассом Ориф Муиновнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўргазма экспозицияларидан тарихчи мусаввир яратган Амир Темур, Тўмарис, Нодирабегим, Маҳмуд Торобий, Увайсий каби буюк ўтмишдошларимизнинг суратлари ўрин олган.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилаётган «Ёш истеъмолчи» танловининг Қорақалпоғистон босқичи бўлиб ўтди.

● Марғилон шаҳри ўзининг 2000 йиллик тўйи арафасида ўзгача чирой касб этмоқда. Айни кунларда шаҳарнинг 23 та ҳудудида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўча ва хиёбонлар кенгайтирилмоқда. Ўзига хос кўринишга эга «Ёшлар» хиёбони ва 940 ўринли янги мактаб биноси бунёд этилмоқда. 11, 6 ва 27-умумтаълим муассасалари эса қайта реконструкция қилинмоқда.

● Сирдарё вилояти, Ховос тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида иш ва ўқиш билан банд бўлмаган 39 нафар йигит-қиз рўйхатга олинганди. Яқинда туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида уларнинг 34 нафари иш билан таъминланиб, беш нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

● Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги раҳбари Омонбой Абдуллаев «Баҳор» мактабгача таълим муассасасини ўз оталиғига олган. У 3 миллион сўмлик жиҳозларни мазкур боғчага совға қилди. Пианино, видео-телевизор, диван, кресло, стол, стул, гилам, поёндозлар болалар ихтиёрига берилди.

● Хотира ва Қадрлаш куни арафасида андижонлик машҳур боксчи Руслан Чагаев шаҳардаги «Эшвой ота» қабристонини таъмирлашга ўзининг ҳиссасини қўшди. Ҳашар куни қабристоннинг ҳамма йўлакларига асфальт ётқизилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

ЖАҲОНДА

● Ўтган куни президент матбуот хизмати томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, Италиянинг амалдаги раҳбари Карло Адзилио Чампи ўз номзодини Президент сайловида такроран қўйишдан бош тортган.

● Кеча Исроилда янги ҳукумат вазирлари мамлакат парламенти — Кнессет олдида қасамёд қабул қилишди.

● Непалнинг кўппартияли янги ҳукумати исёнчиларнинг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги баёнотига жавобан ярашув эълон қилди. Бундан ташқари, янги Вазирлар Маҳкамаси Интерполдан исёнчиларнинг етакчиларни ҳибсга олиш тўғрисидаги ордерларни қайтариб олишга қарор қилган.

● Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳри жанубида бир нечта фермерлар ва оддий фуқаролар норозилик намойишини ўтказишди. Улар Жанубий Кореяда АҚШ ҳарбий базасини қуришга қарши чиқишди. Зеро, фермерлар ўз ерларини қурилиш ихтиёрига топшириш ниятида эмас.

● Виржиния федерал суди 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларида алоқадорликда қўлга олинган ягона айбланувчи Закариас Муссауига нисбатан ҳукм чиқарди. Айбланувчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

● Чеченистон Республикасида инсон савдоси билан шуғулланувчи бир гуруҳ шахслар қўлга олинди. Маълум бўлишича, аксариятини аёллар ташкил этувчи жиноятчилар тўдаси Чеченистонда янги туғилган чақалоқларни 5 минг доллар ва ундан қимматроқ нархда сотиб олиб, чет эллик фуқароларга мўмайгина пул эвазига сотиш билан шуғулланиб келган.

● Ҳаёт тарзи ва овқатланишнинг инсон турмушига таъсири устидан дастлабки глобал тадқиқотни ўтказиш пайтида олимлар шундай қарорга келишди: агарда ҳар бир киши кунига биттадан олма еса ўз ҳаёти давомийлигини уч йилга узайтириши мумкин экан.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 6 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 000 /ўттиз минг/ сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 май

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Маҳаллам—фахрим» деб номланди.

●**БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» етакчилари Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига ташриф буюришди.

●**БУГУН** Сергели туманидаги «Обод» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Оталаримиз жасорати унутилмайди» мавзуида ўтказилган тадбир 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди.

●**ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги 232-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида уюштириладиган шахмат, шашка мусобақаларида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўзаро беллашишади.

●**ЭРТАГА** Миробод туманидаги «Янги Миробод» маҳалласи фаоллари ва ёшлари маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда маслаҳатчиларини сайлашади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Маҳалланг — ота-онанг





ЭНГ МУНОСИБЛАР САЙЛАНДИ

«ЎЗБЕКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ МИРОБОД ТУМАНИДАГИ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ОРАСИДА ИБРАТЛИ ТОМОНЛАРИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. БУ КУНИ КЕЧА МАҲАЛЛАДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИДА ҲАМ ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ.

Ошкоралик руҳида очиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайлов йиғилишида маҳалладаги овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 936 нафар фуқаронинг ишонч билдирган 71 вакили иштирок этди. Шунингдек, йиғилишга тумандаги маҳаллалар фаоллари, юридик субъектлар вакиллари ҳам ташриф буюришди.

Йиғилишнинг тасдиқланган кун тартибига кўра биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Талъатбек Шамсиевнинг 2,5 йил мобайнида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

— Маҳалламиз 5 та кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, — деди жумладан у ўз ҳисоботида, — 32 та миллатга мансуб 1350 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ўтган давр мобайнида уларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда тинч-тотув, осойишта яшашларини таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Ушбу уйлар бирлашган «Ибратли хизмат» ва «Халқ-коммунал сервис» уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда иш юритилиб уйлар ва уларнинг ён-атрофлари ободлиги, йўлаклар саранжом-саришталигига эришилмоқда. Ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларга, 2 ва 18 ёшгача болалари бор оналарга 3 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, маҳалладошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни, Мустақиллик ҳамда бошқа байрам тадбирлари, тўй ва маросимлар ҳамжиҳатликда ўтказилмоқда.

Шунингдек, ҳисоботда аёллар ва болалар саломатлиги, ёшлар тарбияси, коммунал соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ибратли ишлар қаторида келгусида бажарилиши лозим бўлган режалар ҳам айтилди.

Тафтиш комиссияси раиси Мунира Гагуеванинг ҳисоботи ҳам эътибор билан тингланди. Ҳисоботлар ҳақида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан сўнг ҳар иккала ҳисобот ҳам қониқарли деб топилди.

Шундан сўнг асосий масала маҳалла оқсоқоллигига қўйилган уч номзод ўз дастурларини баён этишди. Иштирок этган вакилларнинг барчаси бир овоздан Талъатбек Шамсиевни маҳалла оқсоқоли этиб сайлашди. Шундан сўнг 7 нафардан иборат маслаҳатчилар, маҳалла котиби сайланди. Тафтиш комиссиясининг аввалги таркибда қолиши маъқулланди. 17 нафар фуқародан иборат маҳалла кенгаши эса тасдиқланди.


— Маҳалла эртаси, аввало шу ерда яшовчиларга, шунинг баробарида оқсоқол масъулиятига боғлиқ, — деди Талъатбек Шамсиев. — Эл ишончини, албатта оқлашга интиламан, эзгу ишларни давом эттиришга имкон берган маҳалладошларимдан мамнунман.


— Ҳақиқатан ҳам биз энг муносиб номзодни сайлаганимизга аминман, — дейди маҳалла фуқароси Гулзора Тиллаева. — Чунки оқсоқолимиз чиндан ҳам халқни яхши тушунади, биз билан ҳар ишда камарбаста, ҳалол ва билимдон, мулоҳазали инсон.

Биз суҳбатлашган фуқароларнинг барчаси — ёшукари оқсоқоллари ҳақида фахр билан гапиришди. Демак, оқсоқол билан камарбаста маҳалладошларнинг ишончи, албатта келгуси ишларда акс этади, оқланади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: сайлов йиғилишидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар





Фуқаролар йиғинларида сайлов

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН БОШЛАНДИ

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, АЙНИҚСА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ - МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини юксалтириш, уларни янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни пайтда маҳалла раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчисидек масъулиятли вазифаларга фаол фуқаролик позициясига эга, билим ва тафаккури кенг, Ватан тақдири учун бефарқ бўлмаган, фидойи ҳамюртларимизнинг сайланиши маҳаллаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, аҳиллиги, баҳамжиҳатлигида муҳим омил саналади.

Жойларда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Шаҳримизнинг Миробод туманидаги «Ўзбекистон», Сергели ва Яккасарой туманларидаги Бобур номли, Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳаллаларида ушбу муҳим тадбир бўлиб ўтди. Уларда тавсия этилган номзодлар орасидан аҳоли ишончини қозонган, фидойи, энг муносиблари маҳалла раиси, унинг ўринбосарлари вазифаларига сайландилар.

Ушбу масъулиятли ижтимоий-сиёсий жараённинг бориши ҳақида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари А.АҲМЕДОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга кўра мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар давом этмоқда. Шаҳримиздаги мавжуд 474 маҳалланинг барчасида ана шу масъулиятли жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилди.

Ҳозир барча туманларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолият олиб бормоқда. Мазкур комиссиялар аъзолигига фуқаролар йиғинлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин- қизлар қўмитаси вакиллари киритилган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш пайтида халқ депутатлари шаҳар Кенгаши комиссияси ҳамда туман комиссиялари халқимиз ўртасида сайловлар моҳияти ва аҳамиятига оид кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб борди. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, раислик вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиш каби юмушлар шулар жумласидандир.

Комиссиялар ва гуруҳлар фаолиятида изчиллик ва самарадорликни таъминлаш учун сайлов ўтказиш жараёнида юзага келадиган саволлар ва муаммоларни атрофлича муҳокама этиш борасида семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш яхши анъанага айланган. Ана шундай анжуманларда сайлов жараёнларини ошкоралик ва тенглик тамойилларига таянган ҳолда ташкил этиш, яъни тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканига, ҳар бир маҳалладан сайловчиларга энг муносиб кишини танлаш имкониятини яратган ҳолда, камида уч кишининг номзодини белгилашга, бунда аҳолининг фикри ва таклифлари албатта инобатга олиниши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда ҳар бир комиссия, ишчи гуруҳ, ўзини ўзи бошқариш органлари сайловни ўтказиш жараёнлари учун зарур ҳужжатлар тўплами, уларнинг электрон версиялари, ҳуқуқий-меъёрий қўлланмалар билан таъминланган. Тўпламга маҳаллалар бўйича статистика ахборотлари, маҳаллаларнинг харитаси, ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган юридик субъектлар номи, сайловчилар, уй боши, йўлакбоши, амалдаги маслаҳатчилар рўйхатлари ва бошқа маълумотлар киритилган.

Халқимизнинг бирдамлигини, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, ёшларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда маҳалла тузилмаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис мамлакатимизда бошланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидек муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

Таълим

МАТЕМАТИКА ФАНИНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ЁШ АВЛОДНИНГ БИЛИМЛИ, ДОНО, ЗУККО БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА, ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР. УЛАРНИНГ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАРИ ОРТИДА, ЗАҲМАТКАШЛИК, КАСБИГА МЕҲРУ МУҲАББАТ, ҲАМ ЎЗЛАРИГА, ҲАМ ЎҚУВЧИЛАРГА НИСБАТАН МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ЗАМИРИДА ЭСА БУЮК ЖОН ФИДОЛИК МУЖАССАМ. ЗЕРО, БУГУНГИ ЁШЛАР ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИДИР.

Куни кеча, шаҳримиздаги 123-мактабда «Математика мамлакатидаги мўъжизалар» мавзуида байрам кечаси бўлиб ўтди. Тадбирни математика ўқитувчиси Хуршида Алимова кириш сўзи билан очар экан жумладан шундай деди.

— Математика фани ҳам бошқа фанлар сингари, кишиларнинг кундалик фаолиятида ўзларини ўраб турган борлиқни ўрганиш, унинг қонуниятларидан ўз фаолиятларида фойдаланишдан келиб чиқади. Математика фани болаларга санашни, қўшишни, айириш ва кўпайтиришни ўргатади. Бугун биз ўқувчилар билан ушбу фанга оид билимларимизни жамлаб, байрам кечасини ўтказмоқдамиз. Болалар математика фанини яхши эгалламай туриб,ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўла олмайдилар. Файласуфларимиз айтганидек, математика онг ва тафаккур чархидир.

Кечада ўқувчилар ўзларининг турли хил чиқишлари, саҳна кўринишлари билан барча йиғилганларни хушнуд этишди.

Айниқса 6-«Г» синф ўқувчилари Маъмура Қодирова, Абдулазиз Абдуманнапов, Моҳира Абдуахмедова, Эъзоза Ҳоджихонова, Дилдора Раҳматова, каби иқтидорли ўқувчилар фанга оид чиқишлари билан кечанинг янада мазмунли ва жозибали ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.



—Мен мактабимизда анъанага айланган бундай тадбирларни доимий тарзда ўтказилишидан жуда мамнунман, —дейди Умида Камолова. —Чунки бундай кечалар хотирамизда доимий равишда қолишидан ташқари, ҳар бир фанга ҳурмат, эътибор рамзи саналади.

Куй-қўшиқ, зукколикка, топқирликка йўғрилган кеча барча ўқитувчилар ва ўқувчиларга бирдай манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: 123-мактабда ўтказилган тадбирдан лавҳа

Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ

ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТЛАР ҲАҚИДА СЎЗ КЕТСА, ШУБҲАСИЗ, ЮРТИМИЗНИНГ КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАРИ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ ВА БЕЖИРИМ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ КЎЗ ОЛДИМИЗГА КЕЛАДИ.

Бу — мазкур соҳаларга берилаётган доимий эътибор самараси. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилда қабул қилган фармон ва қарорлари ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бевосита солиқлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Убайдулла НУРИДДИНОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

—Президентимиз Ислом Каримовнинг автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишни кўзда тутувчи фармон ва қарорлари қабул қилиниши соҳа ривожида янги даврни бошлаб берди, — дейди У.Нуриддинов. — Шу йил 28 февралда «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари асосида жорий этилаётган қоидаларнинг аҳамияти каттадир.

Боиси мазкур ҳужжатларда инсон хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бош қомусимизда Инсоннинг ҳаёти олий қадрият сифатида эътироф этилганини таъкидлаш жоиз. Демак, уни ҳар доим эъзозлаш, муҳими, асраш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур масалага оид қарорлари соҳада қатъий тартиб-интизом йўлга қўйилиши учун мустаҳкам замин яратди. Энди тизимда барча талабларга жавоб бера оладиган юридик шахслар қонуний асосда фаолият юритади. Шу йил 1 майдан бошлаб шаҳар ва шаҳар атрофида автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бланкалари ва лицензия карточкаларининг юқори даражада ҳимояланган янги намунаси жорий этилди.

Автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишда айбдор деб топилган шахслар суд орқали энг кам иш ҳақининг 20 дан 150 баробаригача миқдорда жарима солиш йўли билан маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида айни ҳуқуқбузарлик содир этилса, йўловчи ташиш транспорти ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида мусодара қилинади. Айбдор шахс эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

— Тизимда фақат юридик шахслар фаолият юритишини айтдингиз. Уларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби қандай?

— Юридик шахс мақомига ўтиш учун тадбиркорлар Вазирлар Маҳкамасиниг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларига мурожаат қилиши мумкин.

— Юридик шахс мақомидаги йўловчи ташувчилар учун солиқ қонунчилигига асосланган қандай имтиёзлар мавжуд?

Солиқ кодексининг 31-моддаси 7- бандига асосан юридик шахсларнинг шаҳар йўловчи транспортида йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизмати бўйича оладиган даромади (фойдаси) солиқдан озод қилинган. 71- моддага асосан шаҳар йўловчи транспортининг хизматлари, шунингдек автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизмати қўшилган қиймат солиғидан озод этилган.

Кодекснинг 92-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганида шаҳар йўловчи транспорти ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчи ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг қийматига (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) солиқ солинадиган базадан камайтирилади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда янги ташкил этилган корхоналар ривожланишини таъминлаш учун имтиёзлар белгилаб қўйилган. Масалан, янги ташкил этилаётган корхоналар, жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан даромад (фойда) солиғини белгиланган ставкасини биринчи йили йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорида тўлашлари, кейинги йилларда даромад (фойда) солиғини белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўлашлари белгилаб қўйилган.

Янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида солиқ солинмайди.

Тегишли лицензияга мувофиқ йўловчиларни тижорат асосида ташишга ихтисослашган корхонага жисмоний шахслар томонидан сотиладиган ва қўшиладиган автотранспорт воситалари учун юридик шахслар Республика йўл фондига мажбурий йиғимлар тўлашдан 2006 йилнинг 1 июнига қадар озод этилган.

Президентимизнинг бу борадаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш учун солиқ идоралари томонидан қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Бу ҳужжатларнинг моҳиятини қуйи солиқ органларининг барча масъул ходимлари ва тадбиркорларга етказиш мақсадида жойларда автомобиль транспортида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда. Шунингдек, солиқ идоралари ходимлари томонидан аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тадбиркорлар, жумладан, автобус, микроавтобуслари бор шахслар қарорлар талаблари юзасидан ёзма равишда хабардор қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги раҳбарларининг қўшма буйруғи ва тасдиқланган иш режасига мувофиқ пуллик автотранспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини қонуний асосга қўйиш мақсадида уч мингга яқин қўшма рейд ўтказилди. Бундай тадбирларда автотранспорт хизмати кўрсатаётган 16 мингдан зиёд фуқаро текширилиб, 33 фоизида қонунбузилиши, жумладан лицензиясиз ёки тадбиркорлик гувоҳномасисиз фаолият кўрсатиш ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга белгиланган тартибда маъмурий ва молиявий жарималар қўлланилди.

Тизимнинг янгича асосда шакллантирилиши туфайли бундай хато ва камчиликларга барҳам берилиб, тушумларнинг ўз вақтида топширилиши борасида қатъий тартиб-интизом ўрнатилади. Накд пул маблағларининг қонуний айланиши соҳани янада ривожлантиришда, намунали транспорт хизматининг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Сенки шоҳсан, кўз билан тил
сўзига тутма қулоқ,
Тил эрур исми ва лекин заҳрлик мор, эй кўнгил.
МУАЗЗАМХОН

Тилга эҳтиётсиз—элга эътиборсиз.

***

Кўнгли ва тили бир бўлган кишининг айтган сўзи бут.

НАВОИЙ

Айтадилар: «Кишининг сўзи унинг фазлини баён қилувчи ақлига таржимондир!» Байт:

Биласанми тилинг недур оғизда,
Ақл хонасига калит доимо!
Эшик ёпиқ бўлса билиб бўлмайди,
Хона ичра девми, фариштами ё!
Ибн КАМОЛПОШШО

Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва у тил калитин сўз бил.

НАВОИЙ

Ҳакимлар ва донолар таъкидлаб айтишадики, гапиришдан кўра эшитишдан фойда кўп, чунки эшитувчи ўзгалар гапидан ибратли сўз дурларини териб олади, билмаганини ўрганади, ҳаётининг яхши-ёмон нарсалари ҳақида тажриба ҳосил қилади.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ҳар неки етар сенга лисон оғриғидин,
Билгилки, қотиғ дурур бу синон оғриғидин.
НАВОИЙ

Бир ҳаким деди: «Ҳикмат хазинаси жим туришда, унинг калити эса камгапликдадир!» Байт:

Жаҳонда шундай бир масал юради,
Айтилган сўз кумуш, айтилмаса зар!
Ибн КАМОЛПОШШО

Улки қилмайдур маоний баҳрига ғаввослик,
Кўрмагай минчоқча гар бўлса
дури ғалтон сўзинг.
Комил ХОРАЗМИЙ

Ҳар бир кишининг сўзи ақлига яраша бўлади.

Ўз ерида айтилмаган сўз ҳеч ким йўқ ерда чалинган куйга ўхшайди.

Ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бор, ҳар
бир ишнинг ўз мавриди.
Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб
бўлмас ўқдир.
«ОТАЛАР сўзи»

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.
НАВОИЙ

Эй фарзанд, билгилки, Луқмони Ҳаким камгаплик ва сукут ҳақида гапираркан, қуйидагиларни қайд этган: «Камгаплик ва сукутда шундай хислатлар бор, камгаплик тақинчоқсиз зийнатдир, сиёсати йўқ ҳайбат, девори йўқ қалъа ва либоссиз айб ёпувчи!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Жим туриб саломат бўлиш, гапириб маломатга қолишдан афзал.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Нотиқ элнинг ҳар бири инсон эмас,
Аҳли маоний они инсон демас.
НИШОТИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир олим киши ўз умрини наҳв илмига сарф қилган эди. Бир куни у дарё сафарига чиқди ва мусофирлик либосини кийди. У кема тахтасига ўтириб, бироз юрилгандан кейин кема дарғасидан: «Наҳв илмидан ҳеч нарса ўқиганмисан?» деб сўраб қолди. Дарға: «Йўқ, ўқиган эмасман» деб жавоб берди. Олим: «Тамом, умринг зое ўтибди», деди унга. Байт:

Бу гап оғритса ҳам унинг дилини,
Жавобига тийди дарға тилини!

Ногоҳ кема катта гирдобга дуч келди. Дарға наҳвий олимдан: «Сузишдан ҳеч нарса биласанми?» деб сўради. Наҳвий олим: «Йўқ, билмайман» деб жавоб берди унга. Дарға: «Тамом, умринг зое бўлди!» деди. Байт:

Жавобни эшитгач ул наҳвий киши,
Наҳв билан ўзга бўлмади иши!
Ибн КАМОЛПОШШО

Қайси бир кўнгул қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур.

Сендан тил одоби қандай бўлади, деб сўрасалар, шундай жавоб бер: яхши фикрни ифодалаш учун оғизни очиш лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин. Агар сендан: нималардан тилни тийиш даркор десалар, шундай дегин: биринчи—ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончилик одамнинг ўзига душмандир; иккинчидан—ваъдага хилоф иш қилишдан, чунки бу икки юзламачиликдир; учинчи—ғийбат ва бўҳтондан. Зеро, бу фосиқлар ишидир; тўртинчи—жанжалдан, хусуматдан, мақтанчоқликдан, ёмон дуо ва ҳақоратдан, одамларнинг ранжига сабаб бўладиган кулгу ва масхаралашдан тилни тиймоқ лозим.

КОШИФИЙ

Бу масалдур, Обидо халқ ичраким,
қайси ятим,
Оқзи тегди ошқаю, бурнидин қачон
қон келмади.
Мужрим ОБИД

Сўзлаш одоби шундайки, сўзни кам сўзласин, чунки лақмалик тентакликнинг нишонларидан биридир. Бузургмеҳр: «Бир кишини кўрдингки, ниҳоятда кўп гапирмоқда, билгилки, у девонадир!» деган эди. Киши демоқчи, бўлган нарсани ақл тарозисида яхшилаб тортмагач, уни баён қилиш номақбулдир. Ҳакимлар: «кўп ўйла, сўнг сўзла», дейишган. Эҳтиёж пайдо бўлмасдан бир сўзлаган сўзни такрор гапирмасин. Бирор киши бирор воқеани баён қилишга киришса, эшитувчининг бундан хабари бўлса-да, хабардорлигин ундан яширсин. Чунки гапирувчи хижолат чекиши мумкин. Ўзга кишидан сўралган сўзга жавоб бермасин. Агар савол кўпчиликка ташланса, у мазкур саволга жавоб беришга қодир бўлса ҳам, ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилмасин. Бирор киши жавоб айтса, қоникарли бўлмаса ёки унга қўшимча қилишга қодир бўлса, оҳиста жавобини айтсин. Ўтиришда бўлаётган музокара ва мунозарага дахли бўлмаган ҳолда аралашмасин. Катталарга кинояли сўз айтмасин. Тушунилиши қийин бўлган сўзни мисоллар воситасида равшан қилсин. Мунозарада чегарадан ташқари чиқмасин. Ҳар бир кишига унинг фаҳми етадиган даражада сўзласин. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Нега сен гапиришдан кўра кўпроқ эшитасан?» У деди: «Чунки менга иккита қулоқ, битта тил ҳадя этилган».

«МАҲЗАН ал-улум»
Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

РАҲМАТЖОН — ЎСМИРЛАРНИНГ «ШАХМАТ ҚИРОЛИ»

24 апрель - 1 май кунлари Грециянинг Халкидики шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича 2-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. FIDE шафеълигида ўтказилган мазкур мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган 76 нафар ёш шахматчи иштирок этди. Унда 7, 9, 11, 13 ҳамда 15 ёшли мактаб ўқувчилари ўзаро беллашдилар.

9 партияда 7,5 очко тўплашга муваффақ бўлган юртдошимиз, Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқувчиси Раҳматжон Раҳимов 13 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Раҳматжон мусобақалар давомида Англия, Греция, Ҳиндистон, Молдова, Туркия ҳамда Руминиядан келган кучли рақибларини мағлуб этишга муваффақ бўлди.

«Жаҳон» АА

ЁШ КИНОЧИЛАР ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЁШЛАРИНИНГ «ИЖОДИЙ ПАРВОЗ» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ.

У «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий Телерадиокомпанияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси, Россия, Швейцария, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда санъатнинг барча тури каби миллий кино равнақига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йилда қабул қилган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур фестивалнинг Тошкент Давлат санъат институтида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, ушбу даргоҳда таълим олган таниқли кино усталарининг асарлари нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам эътироф этилган. Айни пайтда жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий- маърифий жараёнлар ёш ижодкорлар олдига тобора янги ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Мазкур фестивалдан кўзланган мақсад ҳам кино соҳасида изланаётган ёшларнинг салоҳияти, имкониятларини таҳлил этиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, умидли иқтидор соҳибларини қўллаб- қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Фестиваль танлови доирасида Марказий Осиё давлатлари ёш киночиларининг ўттизга яқин ижод маҳсули намойиш этилади. Айни пайтда Россия, Швейцария, Германия, Франция кино усталари томонидан тайёрланган бадиий фильмлар танловдан ташқари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Ўзига хос ушбу санъат байрамида ўзбекистонлик ёш режиссёрлар - Шавкат Йўлдошев «Орзуга айб йўқ», «Чинор», Фотиҳ Жалолов «Хотира рашки», Ёлқин Тўйчиев «Орзу ортида», Аюб Шаҳобиддинов «Кўргулик» каби фильмлари билан қатнашмоқда.

Бир ҳафта давом этадиган фестиваль кунлари Марказий Осиё ёшлар кинематографиясининг ривожланиш истиқболларига оид анжуманлар, давра суҳбатлари, мунозаралар бўлиб ўтади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ИНТЕРНЕТДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА «ИНТЕРНЕТДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур университет томонидан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари эштирок этди. Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди.

Жаҳонда глобал ахборот тармоғи сифатида тан олинган Интернетдан фойдаланувчилар сони кескин ўсиб бормоқда. Аммо, мазкур тармоқ оммавий ахборот воситаларига хос шаклланган ҳуқуқий-меъёрий ва иқтисодий муносабатларни қисқа муддатда бутунлай ўзгартириб юборди. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат мазкур тармоқ билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларни жаҳон тажрибаси, Интернетнинг хусусияти ва миллий менталитет омиллари билан боғлиқ асосий мезонлардан келиб чиқиб ҳал этяпти.

Интернетга материаллар жойлаштириш ва улардан фойдаланишнинг чегараси йўқ. Шу боис чегара билмайдиган, халқ ва давлат танламайдиган мазкур тармоққа материал жойлаштириш, унга муаллифлик қилиш, электрон асарлардан фойдаланиш борасида муайян ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Зеро, жаҳонда турли геосиёсий манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви, глобаллашув, ғоялараро кураш, ахборот хуружлари давом этаётган ҳозирги кунда бу муаммо янада долзарблик касб этмоқда.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳисобланган адабий-бадиий асарларга оид муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг қонуний асослари яратилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, 2004 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Адабий- бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди. 2005 йилнинг 19 апрелидан эса ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг мамлакатимизда кучга киргани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатни Интернет билан боғлиқ масалаларда ҳам қўллаш ҳар жиҳатдан долзарбдир.

Семинарда ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилди. Анъанавий электрон оммавий ахборот воситаларининг интернет версияларида муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш муаммолари, Интернетда муаллифлик ҳуқуқи: масаланинг қўйилиши, мезонлари ва манбалари, Интернетда муаллифлик ҳуқуқи: ички ва ташқи омиллар, ахборот хуружлари ва муаллифлик ҳуқуқи каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ПОЙТАХТИМИЗДА «ЎСМИР ВА ҚОНУН» МАВЗУИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. У РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЎСМИР ВА ҚОНУН

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ва юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал билиши, қонунларга масъулият ва ҳурмат билан ёндашишини таъминлаш баробарида ўсмирларнинг билиб-билмай жиноятга қўл уришидек салбий ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради.

Тадбирда қаровсиз ва вояга етмаган болалар билан ишлашни такомиллаштириш, улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бунда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Жумладан, ўсмирларнинг бўш вақтини унумли ва самарали ташкил этиш, сиёсий ва фаол фуқаролик позициясини юксалтиришда мактаб- маҳалла-оила ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда оилада фарзандларни шахс сифатида тарбиялаш масалалари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий саводхонликни оширишда маҳалла, таълим муассасалари ва оиланинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎзА

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР- КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Миллий телерадиокомпания, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, газета ва журналлар таҳририятлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, профессор- ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотларининг изчил ҳамкорлиги йўлга қўйилгани боис аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксаляпти.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларининг ўрни беқиёс. Тадбирда айни масалага алоҳида эътибор қаратилиб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятимизда тутган ўрни, эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН
ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР

Паркентдаги яқин танишимизникига тўйга кетаётган эдик. Енгил машина кабинасидаги уч йўловчидан бири ўта камгап, яна ҳам тўғрироғи индамас чиқиб қолди. У бизнинг суҳбатларимизга мутлақо қўшилмас, ҳатто ҳазил-ҳузулларимизга ҳам деярли эътибор бермасди. Ҳамроҳимизни қанчалик гурунгга тортишга ҳаракат қилмайлик, бари беҳуда эди.

— Databases...

— Биродар, — дедим мен охири, — сўраганнинг айби йўқ, бироз ташвишли кўринасиз. Бирор нохуш ҳодиса рўй бердими?

— Сўраманг, отахон. Айтишга тилим бормайди, — деди у.

— Одам тафтини одам олади. Айтинг, бироз дардлашсак, балки дилингиз ёзилиб енгил тортарсиз.

— Майли айтсам айта қолай. Балки сизлар бирор жўяли маслаҳат берарсизлар менга. Қадрдон дўстим бор. Бирга бир корхонада ишлаймиз. У яқинда турмуши тўғри келмай, хотинидан ажралиб бошқа аёлга уйланганди. Бир дам олиш куни уч-тўрт тенгқурлар билан унинг уйида тўпланиб, янги келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичадиган бўлдик. Қутлуғ уйга қуруқ бормайлик деб оз-оздан пул тўплаб бозор қиладиган бўлдик. Уйимиз бозорга яқин бўлгани учун жўралар бу масъулиятни менга юклашди. Бозор айланиб юриб анчадан бери кўрмаган курсдошим Ҳилолани учратиб қолдим. Орқасидан секин бориб ҳазил тариқасида қўлидан маҳкам ушладим. У чўчиб мен томон ўгирилди. Мени кўриб бир зум саросимада туриб қолди.

— Ҳилоламисан? — дедим мен унга яқинлашиб.

— Вой яхши юрибсанми, курсдош, — дея Ҳилола қўлини бўшатишга уринди.

— Жуда ўзгариб кетибсан, — дедим унинг қўлини бўшатмай.

— Вой ўша-ўшаманку, — деди у бироз хижолат тортиб.

— Очилиб кетибсан, поччам яхши бўлса керакки, сени яйратиб-яшнатиб қўйибди.

— Ана таниш, у киши орқангда турибдила, — деди у майин табассум билан.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Дарҳол Ҳилоланинг қўлини қўйиб юбориб орқамга ўгирилиб қарасам, ўша бизни уйга таклиф қилган касбдош дўстимиз ҳўмрайганча менга қараб турибди. Худди ўғрилик қилиб қўлга тушган кишидек мулзам бўлиб қолдим.

Кейин билсам, Ҳилоланинг ҳам олдинги турмуши бузилиб, шу дўстимизга эрга чиққан экан.

Касбдошим индамай мен билан кўришди. Мен ҳам индамадим. Унинг уйида бўлган меҳмондорчиликда ҳам у очилиб-сочилиб ўтирмади. Билдимки, менинг бояги «қилмишим» унга ёқмади. Шундан кейин унга Ҳилола билан курсдошлигимизни, бир-биримиз билан ҳазилкашлигимизни айтиб хижолатпазликдан қутулмоқчи бўлдим. Барибир у очилмади. Менику бўларим бўлдия, лекин биздан кейин эр-хотин ўртасида нима гап кечди экан? Мана шуни ўйлаб хаёлимга сиғдиролмаяпман. Айтинг нима қилсам дўстимга бор ҳақиқатни тушунтира оламан?

Унга ўз билгимизча маслаҳат бердик. Охирида у:

— Донишмандлар «қалтис ҳазилнинг таги зил, «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган сўзларни бежиз айтишмаган эканда, деб қўйди.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

ҚАЕРДА ЎТГАНИ МАЪҚУЛ?

Қўлимизга таклифнома тегди. Ўқисак, бир қадрдонимиз онасининг вафоти муносабати билан бериладиган эҳсон ошига таклиф этибди. Манзилида шаҳримиздаги шоҳона ресторанларнинг бирининг номи ёзилган. Дўстимизнинг яхши уй-жойи, одамлар ҳавас қилса арзигулик ҳовлиси бўла туриб маърака ошини нега ресторанда ўтказишга жазм этгани бизни таажжубга солди.

Шу хусусда ўйланиб қолдик. Нега кейинги вақтларда одамлар (майли, тўйлар бундан мустасно) маърака ошларини ҳам бирор ресторан, ёки номдор ошхоналарда ўтказишга одатланиб боришяпти? Ахир ота-боболаримиз савоби кўпроқ тегади деб марҳумлар хотирасини фақат уйларида, ўз яқинлари билан ўтказишганини нега унутиб қўйяпмиз? Нега бу удум тобора биздан узоқлашиб боряпти? Агар ҳовли-жойинг тор бўлиб, келди-кетди сиғмайдиган бўлса бошқа гап. Лекин икки-уч қаватли шоҳона уй-жойинг, катта ҳовлинг бўла туриб яқинларинг маъракасини ўзга ошхонада ўтказиш тўғримикан? Шу ҳақда бир мулоҳаза қилиб кўрсак яхши бўларкан, азизлар. Энди ўзингиз айтингчи, оламдан ўтганлар хотираси учун қаерда дастурхон ёзган маъқул? Уйдами ёки бирор ўзга жойдами? Қаерда савоби кўпроқ тегади? Ҳа, баракалла, албатта уйда. Ҳамма нарса ўз жойида фарз экан, ҳар бир йиғиннинг ҳам жойини билиб ўтказганимиз маъқул.

КЎНГИЛ ГУЛДАН НОЗИК

Бир гап билан кишини ранжитиш, бир гап билан эса кўнглини тоғдек кўтариб юбориш мумкин. Бунга мисол тариқасида яқинда бир дўстимиз айтиб берган қуйидаги ҳаётий воқеани келтирмоқчимиз.

Холмурод ишдан асабий қайтди. Илматешик дарвозадан ичкарига кириши билан лайчаси югуриб келиб унга тирмашди. Ҳар кунгидек эгасидан илтифот кутган ит қаттиқ тепки зарбидан ангиллаб қочди. Уйчасига кирди-да норози оҳангда ириллади. Ошхона томонда хиргойи овози эшитилди. Хотини нимадандир хурсанд, димоғида «Қаро кўзим»ни куйларди. Холмуроднинг энсаси қотди. «Кап-катта хотин ашулага бало борми? Қариганда Муножот Йўлчиева бўлармидинг?» Тўнғиллаганича уйга кирди. Дарс тайёрлаб ўтирган уччала қизи баравар ўринларидан туриб олдинма-кетин салом беришди. Ҳар куни қулоғига мойдек ёқадиган бу салом бугун негадир ёқимсиз туюлди. Олдидаги курсини тепиб юборгиси келди.

Хонага Зебохон кирди. Эрига жилмайиб тикиларкан «Ҳа, тинчликми дадаси?» деб сўраб қўйди. Бу сўздан Холмуроднинг баттар ғазаби қайнади. Лаблари пирпиради, зарда билан ечинди.

— Ҳа, нима бўлди ўзи?

— Дард бўлди, бало бўлди.

— Вой, анув кишини...

Хотини дарҳол ўзини ташқарига олди. Қизлар эса баравар китобга «шўнғишди».

Бироздан кейин бир чойнак чой кўтариб Зебохон кирди. Анча ҳовуридан тушган эрининг қулоғига энгашиб пичирлади.

— Суюнчи беринг, дадаси.

— Нима, яна қиз туғиб бермоқчимисан?

Зебохон шўх кулиб бугун ишхонасидан қўлига теккан уй олиш ҳақидаги гувоҳномани эрига тутқазди.

Холмурод «Гувоҳнома» деб ёзилган қоғозга ҳайрат билан тикилди. Кейин бошини кўтариб беихтиёр нураб кетган уй деворларига узоқ тикилиб қолди. Бирдан кўз олдига шинам уй келди-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Ҳозиргина файзсиз, ҳиссиз хонадонга бир зумда нур ёғилди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

Ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кун ўтганидан сўнг, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази биржа савдоларига Мирзо Улуғбек тумани Қўшимча таълим мажмуаси балансидаги қуйидаги давлат объектлари қўйилади:

●Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Қорасув» даҳаси,4-мавзе, 2-уй манзилида жойлашган, тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватидаги қўшимча қурилиш биносининг (ер тўласи билан) умумий майдони 592,0 кв.метрга тенг бўлган қисми.

Бошланғич баҳоси—10 560 000 сўм.

●Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳумоюн» мавзеси, 96-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 396,0 кв.метрга тенг бўлган бир қаватли бино (ертўласи билан).

Бошланғич баҳоси—9 450 000 сўм.

●Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 мавзеси, 46-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдони 435,0 кв.метрга тенг бўлган қисми (ертўласи билан)

Бошланғич баҳоси—7 000 000 сўм.

Биржа савдолари савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 133-20-74, 132-25-51, факс: 133-20-74.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ



ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари цирклари артистларининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

Мунажжим башорати

6 МАЙ, ШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУГУН ИЧКИ ТУЙҒУЛАР КЎП НАРСАЛАРДАН ОГОҲ ЭТАДИГАН КУН. БИЗ АХБОРОТЛАР ОҚИМИДА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ, ДЕЙИШАДИ УЛАР, ЛЕКИН ЎЗ МУАММОЛАРИМИЗ ГИРДОБИДА ЎРАЛАШИБ ҚОЛИШИМИЗ УШБУ АХБОРОТ МАЙДОНИНИ ТЎСИБ ҚЎЯДИ.

Бугун интилишларимиздан қатъи назар, онгли равишдами ёки бешуурми – ўзлигимизни намоён этишда муҳим ахборотга эга бўламиз. Энг майда нарсалар ҳам келажагимизни белгилашда ўта муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Одамлар билан мулоқотда бўлиш, излаш-изланиш, сўраб-суриштириш, саволлар бериш керак.

Овқат ҳазм қилиш аъзоларини эҳтиёт қилиш, бўкиб овқатланмаслик, ҳазми оғир ва экзотик таомларни истеъмол қилишдан бугун ўзингизни тийганингиз маъқул.

7 МАЙ, ЯКШАНБА

БИР НЕЧА НОҚУЛАЙ КУНЛАРДАН СЎНГ - НИҲОЯТ АЖОЙИБ КУН КЕЛДИ. ҲАР ҚАНДАЙ МАШҒУЛОТЛАР САМАРАЛИ БЎЛАДИ. ЛЕКИН БИР ШАРТИ ШУКИ, ЁЛҒИЗЛИКДА ЭМАС, ОДАМЛАР БИЛАН БИРГА ВА УЛАР КЎЗ ЎНГИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК БЎЛАДИ.

Бирон-бир қаршилик, келишмовчилик халақит беролмайди. Шахсий ташаббус рағбатлантирилади. Мавқеингиз мустаҳкамланадиган, ютуқларингиз, умуман фаолиятингиз юқори баҳоланадиган кун.

Буйраклар ва пешоб йўллари айниқса заифлашган ҳолатда бўлади. Бел ва умуртқангизни эҳтиёт қилинг.

8 МАЙ, ДУШАНБА

УШБУ БАЙРАМОЛДИ КУНИ КЎПРОҚ ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАЙ, ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ АЙЁМИГА ҲОЗИРЛИК КЎРИШ КЕРАК. ШУНГА ҚАРАМАЙ, БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА БИРОН-БИР ЙИРИК ИШНИ ЯКУНЛАШ ЖИҲАТИДАН БУГУН ЖУДА АЖОЙИБ КУН.

Турли хил битимларни имзолаш хайрли бўлади. Лекин янги учрашувлар ва танишувлар мақсадга мувофиқ эмас – улар белгилаб қўйилган ишлардан чалғитади, яқинларингиз билан муносабатларда чалкашликлар туғдиради.

Бугун буйраклар ва пешоб йўллари заифлашган ҳолатда бўлади. Шунингдек, юракка оғирлик тушимраганингиз маъқул.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

ДУШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Заминдаги буюк томошалар».
9.55 «Сизнинг адвокатингиз».
10.00 «Семург». Бадиий фильм.
11.10 Олтин мерос.
11.20 Хотира ва қадрлаш куни олдидан. «Қуёш фарзанди — Спитамен». Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят давлат драма ва мусиқий театрининг спектакли.
12.10 ТВ-анонс.
12.15 «Қуёш фарзанди—Спитамен». Спектакль. 2-қисм.
13.10 Эски альбом.
13.15 «Ўзбегим ўғлонлари». 1-қисм.
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ўзбегим ўғлонлари». 2-қисм.
15.20 «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм.
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳамон ёдимдасиз». Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди.
18.00 Хотира ва қадрлаш куни олдидан. «Умр дафтари». Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов. 1-қисм.
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Умид ниҳоллари-2006». Спорт мусобақаларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадиий-спорт байрами. Қарши шаҳридан олиб кўрсатилади.
23.30 «Ёдгор». Бадиий фильм.
00.30-00.35 Тунги наволар.

«Ёшлар»

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.00 Болалар экрани: Яхши ишлар бюроси.
8.20 SMS тест + анонслар.
8.25 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
10.00 «Давр» ҳафта ичида.
10.35 SMS тест + анонслар.
10.40 Ватанпарвар.
11.40 Кино SMS.
11.45 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.
12.55 SMS тест + анонслар.
13.00 Давр.
13.10 Мусиқий лаҳза.
13.15 SMS тест + анонслар.
13.20 «Алпомиш». Бадиий фильм 1-2 қисмлар.
16.00 Давр.
16.10 SMS тест + анонслар.
16.15 Мусиқий лаҳзалар.
16.25 Ёшлар овози.
16.40 SMS тест + анонслар.
16.45 «Ўзбеккино». Миллий агентлиги намойиш этади: «Дурдона». Ҳужжатли фильм.
17.05 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
18.35 Ёшлик наволари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 UzEX хабарлари (рус тилида)
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Паловхонтўра!»
21.10 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
21.20 Мусиқий лаҳза.
21.25 Хотира ва қадрлаш кунига: «Тақдир».
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Мусиқий лаҳзалар.
22.50 «YOSHLAR»да спорт дастури: Интерфутбол.
0.30-0.35 Орзулар бекати.

«Тошкент»

18.10 Программа передач.
18.20, 21.15 Телегазета «Экспресс».
18.30 «Пойтахт» (рус).
18.50, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
18.55 «Экран-детям».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриклаймиз- кутлаймиз».
19.45 «Будьте здоровы».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 22.15 «Телекурьер маркет».
20.55 «ТВ-юрист».
21.00 «Окшом наволари»:
21.25 «Журналист таҳлили».
21.50 Хотира ва қадрлаш куни олдидан: «Тоглар куйчиси». Ориф Одилхонов.
22.25 «Большой талант». Художественный фильм. (рус).
23.35-23.40 «Спокойной ночи, мой город!»

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 «Шоввозлар». Мультсериал.
9.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.
9.30 Дзюдо. Суперкубок мира.
10.10 «Умид ниҳоллари-2006». Репортаж со спортивных соревнований.
11.40- 13.10 Худ. фильм «Ташкент - город хлебный».
18.00 «Умид ниҳоллари-2006». Торжественное закрытие спортивных соревнований. Трансляция с г. Карши.
19.30 «Хабарлар» (рус яз.)
19.50 «Гули». Док. фильм («Узбектелефильм»)
20.00 «Вести».
20.10 Цирк Хунан-203.
21.10 «Футбольное обозрение».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Худ. фильм. «Ты есть».
23.20 «Проф-РИНГ».
00.10 Еврофутбол. Чемпионат Англии. «Ньюкасл»- «Челси».
1.40 «Спокойной ночи!»

30-й канал

17.00 Х/Ф «Ловушка для родителей»
17.40 «Мусиқий лахзалар»
18.00 «Кассандра», сериал
18.45 «Тараккиёт-ТВ тақдим этади. «Илдизлар ва япроклар»
19.00 «Ошиқона», мусиқий дастури
19.45 «Телеҳамкор» -фойдали газета
20.00 «Мусиқий табассум».
21.00 «София, менга имкон бер», сериал
21.45 «Телеҳамкор» фойдали газета
21.55 «Мусиқий табассум» музыкальная передача
22.25 «Ижтимоий лойихалар»
22.30 «Кашкирлар макони», сериал
23.10 «Эстрада оҳанглари»

ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 14.00 Новости.
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа.
5.30 Вия Артмане, Иван Переверзев, Евгений Весник в фильме «Сильные духом». 2-я серия.
7.20 Служу Отчизне!
7.50 Дисней-клуб. «Дональд Дак представляет».
8.20 «Умницы и умники».
9.00 Новости.
9.10 Пока все дома.
10.00 «Огненное пике». Документальный фильм.
11.10 Боевая комедия «Крепкий орешек».
12.40 Иосиф Кобзон. «Письма с фронта».
14.10 Михаил Волков, Георгий Жженов в фильме «Путь в «Сатурн».
